

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.58.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗИЕВА УМИДА ЛУТФУЛЛАЕВНА

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАРАРЛИ
АХБОРОТЛАР ТАҲДИДИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ
(бошланғич таълим мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ёзиева Умида Лутфуллаевна

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар тахдидидан
ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилган технологияси
(бошланғич таълим мисолида)..... 3

Ёзиева Умида Лутфуллаевна

Усовершенствованная технология защиты от вредоносных информации
в учебно-воспитательном процессе (на примере начального
образования)..... 23

Yoziyeva Umida Lutfullayevna

Advanced technology of protection from harmful information in the teaching
and educational process (on the example of primary education)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.58.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗИЕВА УМИДА ЛУТФУЛЛАЕВНА

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАРАРЛИ
АХБОРОТЛАР ТАҲДИДИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ
(бошланғич таълим мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус– 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2017.1.PhD/Ped16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида nkspi_info@edu.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Ризамат Давранович
педагогика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Халилов Фахриддин Нуриддинович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.58.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси, р/уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz)

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси, р/уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси)

У. Алеуов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раис ўринбосари, п.ф.д., профессор

И.К. Пирниязов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т. Утебаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда медиатеологияларнинг шиддатли ривожланиши натижасида техноэтика илмий-амалий тадқиқотларнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Ахборот технологиялари инсониятнинг ҳаёт тарзи, таълим ва меҳнат жараёнлари, оилавий муносабатлари ҳамда давлатнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро алоқасида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Жамият ахборотлашувининг жадаллашуви ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, ўқувчи-ёшларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилишни тақозо этмоқда. Айниқса, ахборот хуружларининг турли кўринишларидан ўсиб келаётган авлодни ҳимоя қилиш, ўқувчи-ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда юзага келган қатор тенденциялар кишилиқ жамиятининг турли соҳаларини тубдан ўзгартириш, ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш ва таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларини тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Ахборот ҳажми, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг технологик имкониятлари кенгайиб бориши улардан жамиятнинг барча тармоқларида фойдаланишга замин яратмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу тармоқларда хусусан, таълим-тарбия жараёнларида ҳам ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш масаласини келтириб чиқармоқда. Шу боис ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш технологиясини такомиллаштириш ва бу орқали ўқувчиларни турли ғоявий таъсирлардан ҳимоялаш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштиришга доир давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мазкур жараённи мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда Интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш¹ масаласи муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-444-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисидаги» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада С.Нишонова, У.Алеуов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Б.Адизов, Д.Шарипова, Ш.Шарипов, М.Қуроноов, М.Бекмуродов, Қ.Қуронбоев, О.Жамолиддинова, Б.Ходжаев, Т.Утебаев, З.Қурбониезова, З.Қосимовалар томонидан таълим-тарбиянинг назарий асослари, ўқувчиларнинг маънавий дунёқараши, эътиқоди, соғлом турмуш маданияти, мафкуравий иммунитетини шакллантириш, ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг концептуал асослари тадқиқ этилган.

А.Абдуқодиров, Э.Ғозиев, В.Каримова, Ш.Пахрутдинов, Ш.Халилова, К.Фарфиева, М.Файзиев, С.Абдуллаева, М.Абдужабборова, Муҳаммад Амин Яхёлар илмий ишларида ахборот технологиялари асосида таълим ресурсларини яратиш, ўқув-тарбия жараёнини педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бошқариш, ахборот таҳдиди, компьютер ўйинлари ва оммавий ахборот воситаларининг таъсири масалаларига бағишланган тадқиқотлар педагогик, ижтимоий-психологик, сиёсий, фалсафий ва исломшунослик нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Россиялик олимлар В.Герасименко, А.Малюк, В.Абраменкова, Д.Зегжда, А.Шариков, Г.Грачев, И.Мельник, Г.Почепцов, Х.Домозетов, Г.Андреева, Л.Астахова, Ю.Боготырева, С.Расторгуев, Н.Сагтарова ва бошқалар томонидан зарарли ахборотларнинг инсон саломатлиги ва маънавиятига таъсири, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари, виртуал олам ва инсон турмуш тарзининг ўзаро алоқадорлигига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижлик олимлар Bernard Holkner, Geoff Romeo, Brown, Milligan, Tay Vaughanларнинг тадқиқот ишларида таълимни ахборотлаштириш ва медиатаълим технологияларини кенг жорий этишнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Ўқувчи-ёшлар маънавияти, маданиятини ривожлантириш муаммоси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва миллий менталитетнинг

Ўзаро алоқадорлиги, миллий тарбия асосида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг маънавий-профилактик технологияларини ишлаб чиқиш масаласи махсус тадқиқот предмети бўлмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-173. «Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг мавжуд технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

ўқувчиларнинг ахборот саводхонлигини шакллантиришда ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида тарбиявий ишини ташкил этиш механизминини аниқлаштириш;

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш моделининг профилактик ва натижавийлик компонентларини такомиллаштириш;

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилувчи, танқидий тафаккурни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш технологияларини такомиллаштириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг мазмуни, шакллари ва методларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг мотивацион, муҳитга мослашиш, рефлексивлик педагогик-психологик хусусиятлари онг-идрок-ҳиссиётнинг рационаллик билан уйғунлигини таъминлаш, яқин катталар (ота-она, ака-ука, опа-

сингил, ўқитувчи) ва социум (муҳит, ўртоқлар, қизиқиш, эҳтиёж) омиллари тизимлаштириш асосида аниқланган;

ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорликда ўқувчиларни ахборот таҳдидидан ҳимоя қилиш шакллари, ота-оналарнинг медиатаълим (ахборот воситалари ва Интернет тармоғи билан ишлаш) ва виртуал назорат (ўқувчининг ахборот воситалари билан ишлаш жараёнини назорат қилиш, бола хулқ-атворини тузатиш) механизмлари мунтазамлик, изчиллик ва узлуксизлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш моделининг профилактик компоненти зарарли ахборотларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтиришда, натижавийлик компоненти миллий онгни шакллантиришда интерфаол технологиялар («Бир таҳдидга беш зарба», «Ахборотни сўзсиз узатиш»)ни бошланғич синфлар учун мослаштириш мобиллик мезонларини интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг танқидий тафаккурни ривожлантириш технологиялари ўқув материаллари билан ишлаш (англаш, фикрлаш) ва амалий фаолият (англаш, тушуниш, таҳлил, баҳолаш) тажрибасини интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш тизими ва механизмлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш модели ва уни амалга ошириш методикаси яратилган;

педагог ва ота-оналар учун ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашга доир дастурлар ҳамда тренинглар ишлаб чиқилган;

муаммони бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдиддан ҳимоялашда татбиқ этиладиган ёндашув ва методларнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида аниқланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда таълим муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи аспектларнинг назарий-фундаментал асосда кенгайтирилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига зарарли ахборотлар таъсирининг психологик-педагогик моҳияти аниқланганлиги, зарарли

ахборотлардан сақланишни таъминловчи моделнинг самарадорлиги илмий асосланганлиги ва эмпирик жиҳатдан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий ёндашувлар бошланғич синф ўқитувчилари ва ота-оналари учун яратилган методик тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, улардан бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш, психология йўналиши талабаларига «Педагогик илмий тадқиқот методлари», «Очиқ ахборот тизимида ахборот психологик хавфсизлиги», «Электрон ҳукумат», «Таълим-тарбиянинг долзарб муаммолари» фанларини ўқитишда муҳим дидактик материал сифатида самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим-тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича илмий натижалари:

бўлажак ўқитувчилар бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар хавфидан асраш жараёни самарадорлигини ошириш, ахборотларни тўғри истифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш қобилиятларига эга бўлиши; ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши; глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишлари олиб бора олишига доир кўрсаткичлари олий таълим тизимининг Давлат таълим стандарти («Ўзстандарт» агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4973-сон қарори билан тасдиқланиб, 36-1364-сон рақам билан Давлат рўйхатидан ўтказилган) мазмунига сингдирилган. Натижада мазкур компетенциялар тизими бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда ҳамда такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантириш ва баҳолашга доир таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим тизими Давлат таълим стандарти ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг А-026 – «Болаликни муҳофазалашда яқин катталар орқали ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳаси (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги 01-02/2-2-517-сон маълумотномаси) мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф ва тавсиялар бошланғич синф ўқувчиларида зарарли ахборотлар таҳдидига нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш ҳамда ўқув-билув жараёнини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, жумладан, ОАК тасарруфидаги журналларда 7 та, 6 та республика журналларида, 1 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, 146 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу юзасидан хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Диссертация ишининг **«Бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашга доир назариялар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида таълим-тарбия жараёнида зарарли ахборотлар таҳдиди муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ва педагогик-психологик адабиётлар таҳлили келтирилган. Мазкур бобнинг навбатдаги параграфларида ахборот манбалари ва зарарли ахборотлар таҳдиди тушунчаларининг этимологияси, ахборот манбаларининг салбий хусусиятлари ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш тамойиллари, қоидалари ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқот ишида ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли ахборотлар манбалари сифатида интернет, мобил алоқа воситалари, дисклар орқали тарқалаётган оммавий маданият, одам савдоси, миллий ва умуммиллий маънавиятга зид бўлган турли ғоялар, компьютер ўйинлари, жангарилик, кашандалик, гиёҳвандликни тарғиб этувчи фильмлар ва бошқа шу кабилар аниқлаштирилди.

Зарарли ахборотлар таҳдиди тушунчаларининг этимологияси шундан иборатки, «зарарли» атамаси «киши маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатадиган, зиёнли» деб таърифланса, «ахборот» атамаси «хабар, маълумот», «таҳдид» атамаси эса «дўқ қилиш, кўрқитиш, бирор фалокатнинг, кўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи, хатар, хавф»² дея изоҳланади. Демак, зарарли ахборотлар таҳдиди - хабар ва маълумот

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2006, 1-3-4-том, - Б.19, 41, 605

орқали инсон маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатиш ва хавф-хатар солишдир.

Зарарли ахборотлар хавфининг салбий оқибатлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

боланинг саломатлиги билан боғлиқ бўлган ҳолатлар: унинг тезда толиқиши, руҳий боғланиб қолиш, жисмоний касалликларни пайдо бўлиши, иш қобилятини йўқолиши ва бошқа шу кабилар;

одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ муаммолар: маданий-маънавий нормаларнинг бузилиши, санъатга қизиқишнинг пасайиши, болани юриштиришидаги муаммоларнинг пайдо бўлиши, виртуал дунё хатти-ҳаракатларини, ҳолатларини реал дунё хатти-ҳаракатлари, ҳолатларига кўчириш ёки ўтказиши ва улар билан аралаштириб юбориши;

таълим олишдаги муаммолар: таълим олишга нисбатан қизиқишнинг пасайиши, вақтнинг етишмаслиги, ортиқча маълумотлар билан юкланиб қолишлик, фанларни ўзлаштира олмаслик;

таълим жараёнидаги кўникмаларга эга бўлиш ва сифатли ва сифатсиз (ёлғон, бўхтон, нотўғри, деструктив) маълумотларни фарқлай олишдаги муаммолар.

Ахборотга боғланиб қолмаслик учун, аввало, ахборот манбаига, таклиф этилаётган ахборотнинг ишончлилиги (илмий, маънавий, маданийлиги), тўғрилиги (тарихийлиги)га эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун зарур билимларни эгаллаш, таклиф этилган ахборотни таҳлил қила олиш уларни танлаб ва танқидий қабул қилишга ўргатиш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади.

Олиб борган тажрибаларимиз таҳлили, ахборот манбаларининг турлари ҳамда уларнинг ўқувчи ҳаётидаги ўрни кенгайиб бориши, таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсири билан биргаликда салбий таъсирининг ортиб боришини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътиборни ва маъсулиятни янада оширишни талаб этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарурлиги аниқланди:

ўқувчиларга зарарли ахборотлар ва уларнинг турлари ҳамда шахс дунёқарашига салбий таъсири ҳақида (бошланғич синф ўқувчилари учун дастлабки тушунча) билимлар бериш;

бугунги давр ўқувчисининг қизиқиш ва эҳтиёжларини ўрганиш асосида ва уни инобатга олиб улар фаолиятини тўғри йўналтириш ишларини ташкил этиш;

зарарли ахборотлар таъсирига тушиб қолган ўқувчиларнинг оила ва маҳаллаларидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш орқали муаммонинг асл сабабини очиб бериш;

ўқувчиларни зарарли ахборотлардан ҳимоялашда ўқитувчи ва ота-оналарга педагогик билим беришнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ривожига бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг педагогик-психологик

хусусиятлари онг-идрок-ҳиссиётнинг рационаллик билан уйғунлигини таъминлаш, яқин катталар: ота-она, ака-ука, опа-сингил, ўқитувчи ва социум: муҳит, ўртоқлар, қизиқиш, эҳтиёж омили бўйича аниқлаштирилди.

Ўтказилган илмий изланишларга асосланиб, таълим-тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотларга қарши танқидий фикрлаш ва иммунитетини шакллантиришнинг интенсивлигини муваффақиятли амалга ошириш учун педагогика назариясининг қуйидаги тамойил ва қоидаларига таянилади:

тарбия мақсадининг ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашга қаратилганлик тамойили;

зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг узлуксизлиги, изчиллиги ва мунтазамлиги тамойили;

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашда уларнинг индивидуал ва психологик жиҳатларини ҳисобга олиш тамойили;

ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашда миллий ва умуммиллий қадриятларга асосланиш тамойили;

тарбия жараёнида ўқувчи фаолиятини мақсадли йўналтириш қоидаси;

ўқувчиларда ички таҳдидларга қарши курашувчанликни тарбиялаш қоидаси;


ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва соғлом эътиқодни шакллантириш қоидаси;

ўқувчиларни турли ижтимоий оғишлардан асраш қоидаси.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг педагогик асослари ва механизмлари»** деб номланган бўлиб, унда ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг такомиллаштирилган модели, бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашга қаратилган педагогик ёндашув, бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг замонавий йўллари, усуллари ҳамда самарали методикаси ёритиб берилган.

Тадқиқот ишида таълим муассасасида ўқувчиларга зарарли ахборотлар таҳдиди ва уни бартараф этиш тизимини моделлаштиришнинг мақсади қуйидагилар билан ифодаланади: ўқувчилар, тарбияланувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини хавфли таъсирлардан ҳимоялаш; таълим муассасасининг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш; ахборотлар таҳдиди ва унинг натижасида пайдо бўладиган салбий таъсирларни пасайтириш; ўқувчилар ва ўқитувчилар мафкуравий иммунитетини ошириш ва бошқалар.

Шунингдек, ахборот манбалари орқали кириб келаётган турли таҳдидлар ўқувчиларнинг руҳий, физиологик, маънавий-ахлоқий ҳолатига таъсири аниқланди. Унга қарши курашишда бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг такомиллаштирилган модели

Ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш моделининг профилактик компоненти зарарли ахборотларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш, натижавийлик компоненти миллий онгни шакллантиришнинг интерфаол технологияларнинг бошланғич синфлар учун мослаштириш асосида такомиллаштирилди.

Муаммони ўрганишга доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ахборот-коммуникацион технологияларининг назарий асослари ишлаб чиқилган, аммо замонавий ўқувчига ахборотларга нисбатан танқидий фикр билан ёндашиш ёки бирор-бир хабарнинг яширин маъносини тушуниш, онгнинг оммавий ахборот воситалари томонидан бошқарилишидан ҳимояланишга ўргатиш методикаси ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотда бошланғич синф фанлари функционал тузилмаси ўқувчиларнинг зарарли ахборотларга қарши танқидий фикрлашни ривожлантирадиган ўқув материалларини аниқлаш ва педагогик шарт-шароитларни яратиш имконини берди. Ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг танқидий тафаккурни ривожлантириш технологиялари ўқув материаллари билан ишлаш (англаш, фикрлаш) ва амалий фаолият (тушуниш, англаш, таҳлил, баҳолаш) тажрибасини таркиб топтириш асосида такомиллаштирилди.

Олиб борилган тадқиқотда ўқувчилар танқидий тафаккурини шакллантиришга қаратилган методика таълим усуллари (кузатиш, суҳбат, ўйин, тренинг, муаммо, мунозара, рефлексив, медиатаълим) интерпретациявийлиги ўқувчилар индивидуал ва психологик хусусиятларига мослаштириш асосида ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг мазкур параграфида бошланғич синф ўқувчиларида зарарли ахборотларга нисбатан танқидий тафаккур ва иммунитетни шакллантириш учун қуйидаги йўналишларда қатор вазифалар амалга оширилди:

1-йўналиш: Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар (дастур ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш).

2-йўналиш: Ўқитувчилар билан олиб бориладиган ишлар (назарий, методик ва технологик тайёрлаш).

3-йўналиш: Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар (суҳбат ва сўровномалар ўтказиш, мутахассислар билан давра суҳбати ташкил қилиш ва ҳоказолар).

4-йўналиш: Юқоридаги учта йўналишларни умумлаштириш.

Биринчи йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш учун «Бошланғич синф ўқувчисининг ахборот хавфсизлиги асослари» курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва тажриба гуруҳларида амалиётга жорий этилди (1-жадвал).

**«Бошланғич синф ўқувчисининг ахборот хавфсизлиги асослари»
курсининг ўқув-мавзу режаси**

т/р	Мавзулар	Маъруза	Амалий машғулот	Жами
II синф. «Зарарли ахборотлар хавфи асосларини ўргатиш»				
1.	Зарарли ахборотлар хавфи нима?	1		1
2.	Зарарли ахборотлар хавфи ва у тўғрисида нимани билиш керак? Таҳдид ва хавф қаерда яшайди?	1	1	2
III синф. «Бошланғич синф ўқувчисининг ахборот муҳитида яшаши»				
3.	Журналлар харид қиламиз		1	1
4.	Компьютер дискларни йиғишни ўрганамиз		1	1
IV синф. «Зарарли ахборотлар таҳдиди ва менинг хавфсизлигим», «Зарарли ахборотлар таҳдиди ва саломатлик»				
5.	Мен нотаниш кишилар билан мулоқот қиламан, мени бошқаришнинг ҳожати йўқ	1	2	3
6.	Менинг кун тартибим. Мен кўплаб яхши адабиётларни ўқийман	1	1	2
7.	Мен телевизордан қизиқарли кўрсатувларни танлаб оламан	1	1	2
8.	Ахборотлар, компьютер ўйинлари, уяли алоқа телефони ва менинг саломатлигим	3		3
	Жами:	8	7	15

Ушбу «Бошланғич синф ўқувчисининг ахборот хавфсизлиги асослари» ўқув дастури тарбиявий соатлар ва дарсдан ташқари ишлар мазмунига сингдирилган бўлиб, унинг биринчи босқичидаги машғулотлар маъруза, амалий ишлар ва экскурсиялар шаклида ташкил этилди. Бунда болаларнинг ахборот таҳдидлари тўғрисидаги билимларини кенгайтириш асосий мақсад қилиб қўйилди ва компьютер дисклари, уяли алоқа воситалари таҳдидларини назарда тутувчи реал вазиятлар яратилди ҳамда тушунтириш, суҳбат, кўргазма-намойиш каби усуллардан фойдаланилди.

Дастурнинг иккинчи босқичидаги вазифалар бошланғич синф ўқувчиларини ахборот билан ишлашга ва ахборот муҳитида яшашга ўргатишдан иборат бўлди. Машғулотларнинг асосий мазмуни ўқувчиларга матндаги асосий фикрни кўрсата олиш, ходисага баҳо бериш, шахсий фикрини эркин айтиш, мунозара юритиш, хулоса чиқариш, таклиф этилган

ахборотга танқидий муносабат билдира олиш каби фикрий операциялар тизими асосида ўргатилди.

Иккинчи ва учинчи йўналишда ташкилий-педагогик функциялар амалга оширилди. Унда ўқитувчи ва ота-оналар учун сўровнома, педагогик ўқишлар ташкил этилди. Машғулотлар назарий билим, савол-жавоб, давра суҳбати, тренинглар эса мутахассисларни (офтальмолог, педиатр, психотерапевт) жалб етган ҳолда зарарли ахборотлар инсон ҳаёт фаолияти, соғлиғи, жисмоний ривожланишига таъсирини ёритиб берувчи материалларни ўз ичига олди.

Педагог ва ота-оналарга ахборот таҳдидини аниқлаш, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш йўллари, болаларни маҳсулотларни харид қилишдан тўхтата оладиган маркерлар, белгиларни топиш, ўқувчилар ўқиши учун адабиётларни танлаш, «педагог-ўқувчи-ота-она» алоқаси ўқувчиларда ахборот саводхонлигини шакллантиришда ўқитувчи ва ота-оналарнинг тарбиявий ишини ташкил этиш медиатаълим ва виртуал назорат механизми бўйича такомиллаштирилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш жараёнининг самарадорлик даражаси**» деб номланган бўлиб, унда тажриба-синов ишларининг бошланғич шартлари, муаммога доир тажриба-синов ишлари таҳлили ва натижалари ҳақида фикр юритилди.

Бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганишга йўналтирилган мазкур тадқиқотнинг тажриба-синов иши учун Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги 39-, Яккабоғ туманидаги 100-, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 25- ҳамда Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги 26-сон умумий ўрта таълим мактаблари танлаб олинди. Тажриба-синов ишлари давомида жами 36 нафар бошланғич синф ўқитувчилари, 52 нафар ота-оналар, 602 нафар ўқувчилар иштирок этган бўлса, тажриба синфи 303 нафар ва назорат синфи 299 нафар ўқувчини ташкил этди. Булардан 199 нафари 2-синф, 206 нафари 3-синф ва 197 нафари 4-синф ўқувчилари бўлди.

Тажрибалар даврида ташкилий-педагогик функцияларни амалга ошириш учун бошланғич синф ўқитувчилари орасида сўровномалар ўтказилди. Унга кўра, «Болалар қандай ахборотларга тез берилади?», «Сизнингча ўқувчилар салбий ахборотларни қаердан оладилар?», «Ўқувчиларни зарарли ахборотлардан қандай ҳимоялаш мумкин?», «Ахборот манбалари (телевидения, радио, матбуот, Интернет) дан таълим жараёнида фойдаланиш мумкинми?», «Сизнингча ўқувчиларнинг маънавиятига, тарбиясига ахборотларнинг таъсири қандай?», «Ахборотларнинг таъсири тўғрисида ота-оналар билан қандай ишлар ташкил этасиз?» каби саволларга олинган жавоблар таҳлили натижасида ўқувчиларни ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш педагог ва ота-оналарнинг бирдек вазифаси эканлиги, аммо бу борада улар етарлича билимга эга эмаслиги аниқланди. Мазкур тажрибалар таҳлили тарбиявий

соатлар мазмунига бошланғич синф ўқувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантириш масаласини киритиш лозимлигини кўрсатди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида мавжуд ҳолатни ўрганувчи тажриба ишлари ташкил этилди. Респондентларга тақдим этилган «Ахборот нима?», «Қандай зарарли одатларни биласиз?», «Бўш вақтингизда нима билан банд бўлишни ёқтирасиз?», «Кун тартиби нима?», «Зарарли ахборотлар қайси йўллар билан тарқалади?», «Телефондан нима мақсадда фойдаланасиз?», «Телевизор ва компьютернинг қандай фойда ва зарари бор?», «Қайси мультфильм қаҳрамони сизга ёқади ва нима учун?» мазмунидаги саволларга олинган жавоблар таҳлилидан бошланғич синф ўқувчиларининг зарарли ахборотлар ҳақидаги тушунчалари ва ахборотлардан фойдаланиш маданияти шаклланмаганлиги ҳамда уларнинг кун тартиблари тўғри ташкил этилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу муаммо таълим муассасаларида ташкил этиладиган дарсдан ташқари машғулотлар, тарбиявий соатлар мазмуни ва дарс сифатини янада ошириш лозимлигини кўрсатди.

Тажриба бошидаги олиб борилган сўровномалар натижалари математик-статистик таҳлил қилинди. Тажриба ва назорат синфларининг тажриба боши ва тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари қуйидагича бўлди (2- жадвал).

2- жадвал

Ўқувчиларнинг зарарли ахборотларга оид тушунчаларни англаш даражалари

Ўқувчилар сони	Юқори даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	назорат	тажриба	назорат	тажриба	назорат	тажриба
2-синф	26/30	24/48	43/48	40/31	31/23	32/14
% да	29,9/31,6	29/28,2	35,5/36,4	34,8/33,7	34,2/31,9	30,4/35
3-синф	35/37	30/57	43/46	39/30	30/22	33/13
% да	40,2/38,9	36/33,3	35,5/34,8	33,9/32,6	32,9/30,6	31,4/32,5
4-синф	26/28	29/66	35/38	36/31	30/27	40/13
% да	29,9/29,5	35/38,5	29/28,8	31,3/33,7	32,9/37,5	38,2/32,5

Изоҳ: қаср суръатида тажриба бошидаги, махражида тажриба якунидаги рақамлар келтирилган

3-жадвал

Тажриба бошидаги кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		юқори	ўрта	паст
Тажриба	303	83	115	105
Назорат	299	87	121	91


Тажриба бошидаги кўрсаткичлар, % да

№	Синфлар Баҳо	Тажриба	Назорат
1.	Юқори	$K_1 = \frac{83}{303} \cdot 100\% = 27,4\%$	$K_1 = \frac{87}{299} \cdot 100\% = 29,1\%$
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{115}{303} \cdot 100\% = 37,9\%$	$K_1 = \frac{121}{299} \cdot 100\% = 40,5\%$
3.	Паст	$K_1 = \frac{105}{303} \cdot 100\% = 34,7\%$	$K_1 = \frac{91}{299} \cdot 100\% = 30,4\%$

Олинган маълумотларни Стюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлил қилганимиздан сўнг, танланмаларга мос диаграммани келтирамиз:

2-расм

Тажриба бошидаги умумий кўрсаткичлар диаграммаси



Диаграммада қайд этилган графикларидан англандики, тажриба ва назорат синфидаги кўрсаткичлар учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{303} (83 \cdot 5 + 115 \cdot 4 + 105 \cdot 3) = \frac{1}{303} (415 + 460 + 315) = \frac{1190}{303} = 3,927$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{299} (87 \cdot 5 + 121 \cdot 4 + 91 \cdot 3) = \frac{1}{299} (435 + 484 + 273) = \frac{1192}{299} = 3,986$$

Демак, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш назорат синфидаги ўртача ўзлаштириш билан бир хил экан, яъни: $X \approx Y$

Бундан кўриниб турибдики, дастлабки танланма дисперсия ва ишончли четланишлари орасидаги фарқ ҳам жуда кам бўлади. Демак, тажриба-синов бошида самарадорликка эришилмаган.

Шунинг учун тажриба-синов якунидаги натижаларни статистик таҳлил қиламиз.

5-жадвал

Тажриба якунидаги кўрсаткичлар

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	303	171	92	40
Назорат	299	95	132	72

6-жадвал


Тажриба якунидаги кўрсаткичлари, % да

№	Синфлар Баҳо	Тажриба	Назорат
1.	Юқори	$K_1 = \frac{171}{303} \cdot 100\% = 56,4\%$	$K_1 = \frac{95}{299} \cdot 100\% = 31,8\%$
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{92}{303} \cdot 100\% = 30,4\%$	$K_1 = \frac{132}{299} \cdot 100\% = 44,1\%$
3.	Паст	$K_1 = \frac{40}{303} \cdot 100\% = 13,2\%$	$K_1 = \frac{72}{299} \cdot 100\% = 24,1\%$

Олинган маълумотларни Стьюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлил қилганимиздан сўнг, танланмаларга мос диаграммани келтирамиз:

3-расм

Тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлар диаграммаси



Агар статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда Лаплас функцияси жадвалидан статистика учун критик нуқта $t_{кр}$ ни

$$\Phi(t_{кр}) = \frac{1 - 2\alpha}{2} = \frac{1 - 2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенгликдан аниқлаймиз: $t_{кр} = 1,67$. Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак, тажриба синфида:

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} = 1,67 \cdot \frac{0,55}{\sqrt{303}} = \frac{1,67 \cdot 0,47}{17,4} = \frac{0,78}{17,4} \approx 0,04$$

га тенг, назорат синфида эса:

$$\Delta_n = t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,55}{\sqrt{299}} = \frac{1,67 \cdot 0,55}{17,4} \approx 0,05$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфидаги ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$

$$4,4 - 0,04 \leq a_x \leq 4,4 + 0,04 \quad 4,36 \leq a_x \leq 4,44$$

назорат синфидаги ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$4 - 0,05 \leq a_y \leq 4 + 0,05 \quad 3,95 \leq a_y \leq 4,05$$

Шундай қилиб, $x=0,05$ қиймати, яъни унинг нолдан юқори бўлиши, бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказилган тажрибаларда ишончли натижалар олинди.

ХУЛОСА

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари қуйидагича хулосалар қилиш имконини берди:

1. Ўрганилган илмий-педагогик манбалар шундан далолат берадики, зарарли ахборотлар таҳдиди мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, унинг ечими кўп жиҳатдан педагогик таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳамда ахборотлар таҳдидини бартараф этиш соҳасида ўқувчи шахси ва педагоглар компетентлигини шакллантириш муҳимлиги аниқланди. Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида жамият ахборотлашуви

муаммосининг ўқувчи шахсига ахборотлар таҳдиди муаммоси билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди ва ҳозирги кундаги долзарб бўлган ушбу муаммога таълим-тарбия соҳасида етарлича эътибор қаратилмаганлиги кузатилди.

2. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида объект ва субъект хавфсизлиги муҳим ўрин эгаллайди. Бу объект ёки субъектларда хавфнинг мавжудлиги зарарли ахборотлар хавфи билан бевосита боғлиқдир. Зарарли ахборотлар таҳдиди ва уни бартараф этиш жараёни бир марта ёки бира тўла амалга ошириладиган жараён эмас. Шу сабабдан мамлакатимизнинг барча таълим тизимида доимий ишлаб турувчи, ўз вақтида самарали таъсир кўрсатувчи ҳимояланган ахборот муҳити бўлиши лозим.

3. Тўпланган илмий далиллар таҳлили ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашга кўмаклашадиган дидактик воситалар ҳамда манбаларни аниқлашга ёрдам берди. Шунингдек, назарий таҳлиллар ўқувчиларни ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг турли усуллари ва методларидан фойдаланишга оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш моделининг профилактик компоненти зарарли ахборотларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш, натижавийлик компоненти эса миллий онгни шакллантиришнинг интерфаол технологиялари («Бир таҳдидга беш зарба», «Ахборотни сўзсиз узатиш») ни бошланғич синфлар учун мослаштириш асосида такомиллаштирилди.

4. Педагогик таълим жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидан ҳимоялашнинг тамойил ва қонуниятларини ишлаб чиқиш ҳамда таълим-тарбия жараёнида қўллаш кутилган самарадорликка олиб келади. Ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўқувчиларни ахборот хавфсизлигига риоя қилишда ўзаро ҳамкорлик шакллари ота-оналарнинг медиатаълим (ахборот воситалари ва Интернет тармоғи билан ишлаш) ва виртуал назорат (ўқувчининг ахборот воситалари билан ишлаш жараёнини назорат қилиш, бола хулқ-атворини тузатиш) механизмларини мунтазамлилик тамойилига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

5. Тажриба натижасида зарарли ахборотлар таҳдиди бўйича ўқувчиларнинг билим даражалари етарлича шаклланмаганлиги ва болаларнинг ахлоқий, маънавий, руҳий ва жисмоний ривожланишига зид келувчи ахборотлардан чекловсиз фойдаланиб келаётганлиги маълум бўлди.

6. Бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашда амалга ошириладиган ишлар хусусан, ўқув ва амалий машғулотлар нафақат таълим жараёнида, балки, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятларида ҳам изчил ва тизимли ташкил этилиши керак. Бу жараёнда етакчи бўлган ўқитувчиларни муҳим илмий-методик тавсиялар ҳамда назарий маълумотлар билан қуроллантириш зарурияти мавжуддир.

7. Ёш авлодни зарарли ахборотлар таҳдидан ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришда улар фаолиятини мақсадли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўқувчиларни кун тартибига риоя қилишга ўргатиш ҳам ушбу масалани бартараф этишнинг яна бир йўлидир.

8. Тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик усулда қайта ишланиши бошланғич синф ўқувчилари билан олиб борилган ва синовдан ўтказилган машғулотларнинг натижавийлиги ва самаралилигини тасдиқлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.28.12.2017.Ped.58.01 ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, УРГЕНЧСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ЁЗИЕВА УМИДА ЛУТФУЛЛАЕВНА

**УСОВЕРШЕНСТВОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ЗАЩИТЫ ОТ
ВРЕДНОСНЫХ ИНФОРМАЦИИ В УЧЕБНО-
ВОСПИТАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ
(на примере начального образования)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус– 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Ped16

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndpi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Шодиев Ризамат Давранович**
доктор педагогических наук

Официальные оппоненты: **Халилов Фахриддин Нуриддинович**
доктор педагогических наук, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Специализированного совета DSc.28.12.2017.Ped.58.01 при Нукусском государственном педагогическом институте, Каракалпакском государственном университете, Ургенчском государственном университете. (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтов б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: www.nkspi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за №_____). Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтов б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2018 года).

У.Алеуов
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, д.п.н., профессор

И.К. Пирниязов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, к.п.н., доцент

Т.Т.Утебаев
Председатель научного семинара при ученом совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.п.н. доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате стремительного развития медиатехнологий в миретехноэтика превращается в одну из основных отраслей научно-практических исследований. Информационные технологии становятся причиной обстоятельных изменений образа жизни человека, процессов образования и труда, семейных отношений и взаимосвязи между государством и гражданским обществом. Интенсивность информатизации общества наряду с положительными сторонами, требует защиты учащейся-молодежи от влияния вредных информаций. Особенно актуальное значение приобретают защита подрастающего поколения от разных видов информационных угроз, развитие у учащейся-молодежи культуры потребления информации.

Ряд возникших в мире тенденций требует коренного изменения различных сфер человеческого общества, обеспечения безопасности информационной системы и внедрения в процесс образования и воспитания информационных технологий. Расширение технологических возможностей объема информации, ее сохранения, обработки и передачи создает предпосылку использования их во всех отраслях общества. А это в свою очередь приводит к задаче обеспечения безопасности информационных систем в данных отраслях, в частности, в процессах образования и воспитания. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию технологии защиты учащихся от угрозы вредных информаций и посредством этого защите учащихся от различных идейных влияний, а также обеспечению информационной безопасности.

В нашей стране разработана государственная политика по информатизации общества, созданы правовые основы развития информационных ресурсов, информационных технологий и информационных систем, а также реализации национальной информационной системы с учетом современных мировых принципов. В целях укрепления данного процесса в «Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» вопросы обеспечения информационной безопасности и совершенствования системы защиты информации, своевременное и достойное оказание сопротивления угрозам в сфере информации определены как отдельное направление, важное место заняли вопросы профилактики информационных атак, угрожающих сознанию молодежи, формирования у молодежи культуры использования Интернета и других информационных ресурсов³.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, намеченных в Законе №ЗРУ-444 «О защите

³ См. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»// Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – С.39.

детей от вредоносных для их здоровья информаций», в Постановлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегиях Действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Решении «О выдвижении на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительских работ и развития сферы» и других нормативно-правовых документах, касающихся этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии приоритетных направлений развития науки и технологий республики 1. «Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальная идея, культурное наследие, история узбекского народа и государства также системность и непрерывность образования, воспитание гармонично развитого поколения».

Степень изученности проблемы. В нашей Республике С.Нишоновой, У.Алеуовым, У.Махкамовым, О.Мусурмоновой, Б.Адизовым, Д.Шариповой, Ш.Шариповым, М.Куроновым, М.Бекмуродовым, К.Куронбоевым, О.Жамолиддиновой, Б.Ходжаевым, Т.Утебаевым, З.Курбониёзовой, З.Касимовой изучены теоретические основы обучения и воспитания, развития духовного мировоззрения, убеждений, культуры здорового образа жизни, концептуальные основы формирования идейного иммунитета, развития культуры пользования информацией у учащихся.

